

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**374 «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишонни тўғрисида**

«Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ, шунингдек қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантириш, аҳолининг кенг қатламларини бепул донорликка жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишонининг низоми, унинг тавсифи ва унга гувоҳнома намунаси 1, 2, 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртманомалари бўйича белгиланган тартибда «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишонлари ва уларга гувоҳномалар бланкалари тайёрланишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишонини донорларга Жаҳон донор кунда — 14 июнда бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон қарори билан тасдиқланган Турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинадиган аҳоли тоифаларининг рўйхатига (пулик касалликлар ва бўлимлардан ташқари) куйидаги мазмундаги 11-банд қўшилсин:

«11. «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар».

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 23 июль,
202-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 23 июлдаги 202-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси фахрий донори»
(«Почетный донор Республики Узбекистан»)
кўкрак нишони тўғрисида
НИЗОМ**

1. «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишони билан ўз қонини камида қирқ марта ёки унинг таркибий қисмларидан бир қисмини камида олтмиш марта бепул топширган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланадилар.

«Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишони билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назарда тутилган тартибга мувофиқ марказий аппарат бошқармалари, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар бошлиқларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан амалга оширилади.

Мукофотлаш тўғрисидаги буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот воситаларида эълон қилинади.


3. «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишони ва унга гувоҳнома Жаҳон донор кунида — 14 июнда Соғлиқни сақлаш вазири ёки унинг номидан ва унинг топшириғига кўра бошқа масъул шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

4. Айнан бир шахс «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишони билан, қоидага кўра, бир марта мукофотланади.

5. «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкракнишони кўкракнинг чап томонида давлат мукофотларидан қуйида тақилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 23 июлдаги 202-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси фахрий донори»
(«Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишонининг
ТАВСИФИ**



Масштаб 1-1

Масштаб 1-2

Кўкрак нишони мис қотишмасидан тайёрланади ва яримчўзиқ шаклни ифодалайди, унинг ўзаги 280 миллиметрни, баландлиги — 320 миллиметрни, қалинлиги — 3 миллиметрни ташкил этади.

Кўкрак нишонининг олд томонида ҳаётбахш қоннинг рамзини ифодаладиган қабарик қизил рангли қон томчиси тасвирланган. Кўкрак нишонининг ўнг томонида шон-шараф рамзи бўлган тилла ранг дафна навдаси жойлашган. Кўкрак нишонининг чап томонида тилла ранг шаклли пластинада «FAXRIY DONOR» деган ёзув берилган. Ёзув қабарик тилла ранг бош ҳарфларда бажарилган. Ҳарфларнинг баландлиги 4 миллиметр.

Кўкрак нишони мис қотишмасидан тайёрланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рамзини ифодаладиган шаклли тўғри бурчак шаклида бажариладиган 210 х 250 миллиметр ўлчамли қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Қадағичнинг қалинлиги 3 миллиметр.

Қадағичнинг олд томони байроқнинг оқ фони бўйлаб қабарик тилла ранг бош ҳарфлар билан «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» ёзуви туширилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларида бажарилади. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонида кўкрак нишонини кийимга маҳкамлаш учун тўғноғич шаклидаги мослама мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 23 июлдаги 202-сон қарорига
3-ИЛОВА

